

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 811.512.133*

**ҲАМРАЕВА ЁРҚИНОЙ НАБИЖАНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИДЕОГРАФИК ЛУГАТИНИ ТУЗИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**  
(харакат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида)

10.02.01 – ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2010

Диссертацияни Каражи давлат университетин ўзбек тилшунослиги  
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар -

филология фанлари доктори, профессор  
**МЕНГЛИЕВ Бахтиёр Ражабович**

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори, профессор в.б.  
**СОБИРОВ Абдулҳай Шукурович**

филология фанлари доктори  
**ИБРОҲИМОВ Анзориддин**

Етакчи ташкылот

- Тошкент давлат педагогика университети

Химоя 2010 йил 24 декабрь куни соат 14<sup>00</sup> да

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги  
Тиз ва адабиёт институти хузуридаги ДК 015. 04. 02 ракамли фан доктори  
измай даржасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Бирлашган  
иختисосланган кенгаш йигилишида ўтказилади.

Минзих: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
Асосий кутубхонасида танишин мумкин.

Минзих: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2010 йил 23 № декабрь да тарқатилиди.

Бирлашган иҳтиносланган кенгаш  
измай котиби, филология  
фанлари номзоди

 **Д.Худайберганова**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Миллий истиклол туфайли ижтимоий хаётда юз берадётган туб ўзгаришлар илм-фаннынг барча йўналишларида бўлганидек, тилшунослик соҳасида хам ўз ифодасини топмоқда. Чунки “...биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини ошириш устида доимий ишлашимиз зарур”<sup>1</sup>. Матъумки, кейинги йилларда ўзбек тилининг тарихи, субстанциал табиати, имкониятлари, бошка тиллар сирасида тутган ўрни каби жихатларини ўрганиш ва ёритиб беришга багишлиланган турли илмий ишлар билан бир каторда этимологик, антропонимик, диалектал, топонимик, морфемик, синонимик, антонимик, омонимик каби лугат турлари нашр этилди. Бирок дунёнинг турли тилларида, хусусан, инглиз, немис, испан, француз, рус ва бошка тилларда идеографик лугатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив каби турлари нашр этилгани ҳолда ҳозирги ўзбек тилида идеографик лугатнинг яратилмаганлиги, назарий асослари ишланмаганлиги ва илмий тамойиллари белгиланмаганлигини ўзбек лугатчилигининг навбатдаги вазифалари дейиш мумкин. Бу ҳолат идеографик лугат яратишнинг назарий масалаларини тадқик қилишга багишлиланган ушбу диссертация мавзусининг долзарбилигини кўрсатади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилшунослигига идеографик лугат яратиш масаласи маҳсус тадқик қилинмаган. Бирок тадқиқот учун танланган феъл мураккаб, кўпкиррали, категорияларга бой туркум бўлиб, бошка туркумларга нисбатан у бўйича қилинган ишлар анча баракали ва серкирра. Атокли олимларимиз А.Ғуломов, А.Хожиевнинг феълнинг грамматик талқинига багишлиланган ишлари, И.Кўчкортоев, Р.Расулов, Т.Мусаев, Ў.Шарипова, К.Ҳоликов, С.Мухамедоваларнинг феълнинг маъновий хусусиятига оид тадқиқотлари, М.Содикованинг феъл услубиятига багишлиланган монографияси, А.Хожиев, Ҳ.Юсупхўжаева, Э.Мухаммадиевларнинг феълнинг изоҳли лугатда берилишига доир диссертациялари маълум.

Феълнинг лисоний хусусиятлари И.Кўчкортоев, Ш.Рахматуллаев, Ҳ.Немматов, Р.Расулов, Н.Махмудов, А.Нурмонов, М.Миртожиев, О.Бозоров, Б.Менглиев, Ш.Искандарова, А.Собиров, Р.Сафарова, Ш.Орифжонова, Б.Қиличев ва бошка тадқиқотчиларнинг ишларида атрофлича ёритилган. Бу ишлар ўзбек тилида феъллар бўйича майдон назариясига асосланган идеографик лугат тузишга замин ҳозирлади.

**Ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги.** Диссертация мавзуси Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган «Ўзбек лугатчилигининг долзарб масалалари» мавзусидаги истиқболли режасининг таркибий кисми бўлиб, Қарши давлат

<sup>1</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.  
– Б. 87.

университети Илмий кенгаши йигилишида мухокама этилиб, тасдиқланган ва ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАК бюллетенида эълон қилинган.

**Тадқиқот мақсади** – жаҳон лексикографияси ютукларига таянган ҳолда ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида ўзбек тилида идеографик лугат тузишнинг назарий асослари ва тамойилларини ишлаб чикиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

- идеографик лугат тарихи ва турлари, уларнинг бошка лугатлардан фарқли жиҳатларини ўрганиш;
- ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи феъллар мисолида идеографик лугат тузиш тамойилларини ишлаб чикиш;
- идеографик лугатга сўз танлаш; мазманий майдонлар кўламини ва шу майдонларга мансуб феълларни аниқлаш;
- феъллардаги семантик муносабатларни идеографик аспектда тадқиқ этиш.

**Тадқиқот обьекти ва предмети.** Тадқиқот обьекти – идеографик лугат, тадқиқ предмети эса ҳаракат ва ҳолат билдирувчи сўзлар мисолида уни тузиш тамойилларини ишлаб чикишдир.

**Тадқиқот методлари.** ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг миллий тил ва миллий маданиятнинг тараккий этиш йўллари хакидаги назарий қарашлари, диалектиканиң билиш назарияси тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади. Ишда, шунингдек, системавий, тавсифий ҳамда компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Ҳимояяга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Ўзбек тили лексикасининг системавий тадқики бўйича олинган натижалар ҳаракат ва ҳолат феъллари мисолида идеографик лугат яратиш учун етарли асос бўлади.

2. Идеографик лугат тузишда алифбо тартибидан чекиниш, умумийлик ва хусусийлик, илмийлик, таълимийлик, сакрашдан ҳолилик каби тамойилларга асосланилди.

3. Идеографик лугатда ҳаракат-ҳолат тушунчасини билдирувчи сўзлар иерархия асосида куйи погоналарга ажралувчи «Табиат», «Жамият», «Инсон» семантик майдонлари ичida турли белгиларига кўра жойлаштирилди.

4. Идеографик лугат тузишда лугавий микросистема, сўзлараро мъновий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

1. Ўзбек тилшунослигида биринчи марта ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида идеографик лугат тузиш тамойиллари ишлаб чикилди.

2. Диссертацияда сўзларни лугатда алифбо тартибида эмас, мъновий якинлик асосида гурухларга бирлаштирган ҳолда беришнинг афзалликлари кўрсатилди. Улар куйидагилардан иборат:

а) агар илифбо тартибидаги лугатда сўзнинг синтагматик ва услубий-функционал хусусиятлари кўрсатилса, идеографик лугатда сўзлараро

синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуонимик, партонимик муносабатлар намоён бўлади;

б) сўзларни идеографик аспектда, яъни турли тарафлардан ўрганиш ўқувчига сўз хакида тўла ва мукаммал маълумот беришга ёрдам беради;

в) алифбо тартибидаги лугатдан ўзимиз билган, эшигтан, ўқиган сўз хакида маълумот оламиз, идеографик лугат эса шу сўз билан боғлик микромайдонга алокадор барча лексик бирликларни хотирамизда тиклашга ёрдам беради;

г) идеографик лугат ўқувчини мустакил фикрлашга, янги сўзларни ўзлаштиришга, изланишга чорлайди, нуткий қобилиятини ривожлантиради, ўқувчида оламни яхлит идора этиш кўникмаларини шакллантиради;

д) идеографик лугат тил ўрганувчилар учун тил соҳибларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети хакида мукаммал маълумотлар беради.

3. Идеографик лугатда сўзларнинг кетма-кет, изчил жойлаштирилиши асосида оламнинг лисоний манзараси яхлит ҳолда ёритиб берилиши илмий исботини топди.

4. Диссертацияда «Табнат», «Жамият», «Инсон» макромайдонлари билан боғлик тушунчалар синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуонимик, партонимик муносабатлар нуктан назаридан таҳлил килинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишлаб чиқилган тамойиллар тилни яхлит система сифатида ўрганишда илмий, идеографик лугат тузишда амалий аҳамиятга зга. Идеографик лугат она тили дарслари жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга ёрдам беради ва дарс самарадорлигини оширади. Чунки идеографик лугатнинг бош максади маълум бир фикрни ифода этиш учун зарур бўлган сўзни танлашда амалий ёрдам беришдан иборат.

**Натижаларнинг жорий қилинниши.** Тадқиқот натижалари бугунги кунда Қарши давлат университетида «Ўзбек лугатчилиги масалалари» курси бўйича тузилаётган ўқув қўлланмасининг «Янги турдаги лугатлар» кисмига жорий этилмокда. Ўзбек филологияси йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар учун мавзу билан алокадор маҳсус курслар ташкил этилган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси йигилишида (14.10.10) хамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги ДК 015.04.02 ракамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш кошидаги Илмий семинар йигилишида (29.10.10) мухокама килиниб, химояга тавсия этилган.

Тадқиқот мавзуси юзасидан Қарши ДУ профессор-ўқитувчилари илмий анжуманларида (2008, 2009), ЎзМУ кошидаги ОПИ илмий-услубий анжуманида (2009) маърузалар килинган.

**Натижаларнинг зълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот бўйича мақола ва тезислар илмий журналларда, шунингдек, тил таълимига багишланган Республика ва Қарши давлат университети миқёсида ўtkazilgan илмий-амалий анжуман тўпламларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 129 саҳифани ташкил килади. Иш охирида 43 бетдан иборат илова берилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмида фан ва техника тараккиёти туфайли янги типдаги илосографик (тезаурус) лугатларга ҳайтий эҳтиёж келиб чикканлиги хусусида сўз юритилади.

Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «...фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва киёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чикиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйгусини англашдек ззгу мақсадларга хизмат килиши шубҳасиз»<sup>2</sup>. Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да «ўзбек мактабларини битирган болаларнинг кисилиб колмаслиги, хорижий тилларни ўрганишда тўсикларга дуч келмаслиги», уларнинг она тили ва чет тилларининг ажиб дунёсига бемалол киришлари учун лугатлар яратиш лозимлиги алоҳида тъкидлаб ўтилган<sup>3</sup>.

Бутунги ҳатти-харакатларимиз ва интилишларимизнинг негизида мана шу ззгу мақсаднинг ётгани сир эмас. Чунки мустакил фикрлаш, она тилида разон ва гўзал нуткка эга бўлиш учун инсонга дарслилар билан бир каторда лугатлар якиндан ёрдам беради.

Мустакиллик йилларида ўзбек лексикографияси катор ютукларни қўлга киритди. Киска давр ичида катта ишлар амалга оширилди, бир катор вомзодлик диссертациялари химоя килинди<sup>4</sup>. Бунинг пировард натижасида беш жилди «Ўзбек тилининг изохли лугати» (2006-2008) яратилди. Лугатнинг янги турлари нашр этилди, уларда халқимизнинг бой маънавий ҳизинаси ўз ўрнини топди, миллий кадриятларимизни ифодаловчи лексикомалар ўзининг ҳакиқий баҳосини олди<sup>5</sup>, шунингдек лексикографияга компьютер лингвистикаси кириб келди<sup>6</sup>. Аммо ўзбек лугатчилигини

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўша манба. – Б.87.

<sup>3</sup> Бу хавза карамиг: Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пайдасори. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа концерни, 1997. – Б. 8-9.

<sup>4</sup> Хажиев А. Ўзбек тилининг кўп жилди изохли лугатини тузувчилар учун журиснома. – Тошкент, 2000; Зайниддинова Н. Машгуллик семасига эга бўлган шахс отварийн лексикографик талқини: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2004 ва бошжалар.

<sup>5</sup> Бу хавза карамиг: Маджалисов А. Термин – терминология лугат – изохли лугат // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. - №6. – 54-67-б.

<sup>6</sup> Бу хавза карамиг: Пұлатов А., Мұмінова Т., Пұлатова И. Дунёвий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2003; Мухамедова С. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2007; Ўша муаллиф. Ҳаракат фельлари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик тазмин яратиш. – Тошкент: ТДПУ, 2006 ва бошжалар.

ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида килиниши керак бўлган ишлар ҳали бисёр. Ўзбек лексикографияси ҳанузга қадар идеографик лугатга эга эмас. Демак, ўзбек лугатчилигига дунё тилшунослигининг энг янги ютукларини, зудлик билан татбиқ этиш ва амалиётда бундан самарали фойдаланиш сира кечикириб бўлмайдиган вазифаларимиздан биридир.

Ишнинг биринчи боби «**Идеографик лугатлар тарихи ва идеографиянинг назарий асослари**» деб аталади. Бобда идеографик лугатларнинг дунё лугатшунослигида тутган ўрни, яратилиш тарихи ўрганилди. Идеографик лугат ва тезаурусларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ёритилди. А.Хожиевнинг «Тилшунослик терминларининг изохли лугати»да тезаурусга шундай изоҳ берилган: «ТЕЗАУРУС (юн. thesauros – хазина) Тилга оид лексик таркибни тўла ҳажмда акс эттирувчи лугат»<sup>7</sup>. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»да: «**ИДЕОГРАФИК ЛУГАТ** – лугат тури. Бундай лугатлар алифбо тартибида эмас, балки мавзу бўйича тузилади»<sup>8</sup>, - дейилган. Тезаурус атамасига эса қўйидагича таъриф берилади: «ТЕЗАУРУС (юн. thesauros – хазина, бойлик) – 1. Муайян тилдаги барча сўзларни камраб оладиган, уларнинг матнда кўлланиш ҳолатларини тўлаттўкис акс эттирадиган лугат. 2. Бирон бир илм-фан соҳасига оид лугавий бирлик (сўз) лар мавзу тартибида жойлаштирилган ва ана шу бирликлар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва бошк.) муносабатлар акс эттирилган лугат. Бунда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадор сўзларнинг барчаси бир жойда берилади; керакли сўз тушунчага караб кидирилади»<sup>9</sup>.

Машхур рус тилшуноси Л.В.Шчерба ўзининг лугатчилик назариясига багишлиланган мақоласида тезаурус ва идеографик (олим уларни идеологик деб атаган) лугатларни лугатнинг алоҳида-алоҳида кўринишлари сифатида талқин қиласи. Олимнинг фикрича, тезаурусларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда маълум тилдаги сўзларнинг барчаси, энг кам кўлланадиганлари ҳам, ҳатто нутқда бир бора учраганлари ҳам кайд этилади. Оддий (яъни одатдаги) лугатларни олим «фонетик сўзлар рўйхати» дея атагани ҳолда, идеографик лугатларга «сўз-тушунчалар ва уларнинг маънодошларининг тартибли тизмаси» деб баҳо беради<sup>10</sup>.

Фарб идеографияси фалсафий, назарий, амалий каби уч боскичга ажратилди. Фалсафий боскич антик дунё файласуфлари ва Ўрта асрларда яшаган Европа олимларининг қарашларини ўз ичига олади. Назарий боскич Фарб уйғониш даври билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди ва ривож топди. Амалий боскич инглиз олими М.П.Роженинг 1852 йилда чоп этилган «Инглизча сўз ва иборалар тезауруси» билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага

<sup>7</sup> Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли лугати. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат нашриёти, 2002. – Б. 103.

<sup>8</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат нашриёти, 2002. 4-том. – Б. 77.

<sup>9</sup> Юкоридаги манба. 8-том. – Б. 329.

<sup>10</sup> Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии. – <http://feb-veb.ru/feb/izvest/1940/03/403-089.htm>

келиб, Ф.Дорнзайф, Х.Касарес, Х.Майер, Р.Халлиг, В.Вартбург, Ю.Караулов, М.Морковкин, О.Баранов каби инглиз, испан, немис, француз, рус олимлари томонидан давом эттирилди.

Рус олими В.В.Морковкин Роженинг «Тезаурус»ига «жахон лексикографиясидаги мисли кўрилмаган ҳодиса»<sup>11</sup>, - деб баҳо берган эди. Олимнинг фикрига кўра, ушбу китоб тил лексикасининг мантикий тартибга солинган макетини (нусхасини) яратиш йўлидаги дастлабки илмий асосланган уриниш бўлган.

Маълумки, «бир сатҳга мансуб бўлган, киймат жиҳатидан бир хил тил бирликларининг маълум умумий белги асосида бир гурухга (уяга) бирлашувига уядошлик муносабати дейилади»<sup>12</sup>. Масалан, *нимранг, тоифи, чарос, ҳусайн, чилаки, шакарангур, шивилгони, доройи, кишиши* каби лексемаларнинг барчаси учун умумий бўлган белги бу «узум»лик белгисидир. Улар шу белги асосида битта семантик уяга (парадигмага) бирлашади. Ўз навбатида узум лексемаси *олма, нок, беҳи, гилос, олча, шафтоли* каби лексемалар қаторида «мева» уясига киради. Система тамойилига кўра «мева» «нон», «қанд-курс», «полиз маҳсулотлари» билан биргаликда «гемии» (озик-овқат) микромайдонини ташкил қиласди. Иккинчи йўналиш бўйича узумнинг «ток» семаси ҳисобга олинадиган бўлса, у даставвал «мевали дарахт», сўнгра «мевасиз дарахт» ва «манзарали дарахт»лар билан бир қаторда «дарахтлар» микромайдонига мансуб бўлади. Учинчи томондан «узум» (ток) *новда, куртак, барг, узумзор, токзор, токқайчи, бог, боғбон, ишком, ҳосил, емоқ, майиз, кесмоқ, хомток қилмоқ* сингари лексемалар билан бир умумий гоя (идея) асосида бирлашиб, ягона семантик майдонни юзага келтиради.

Ю.Н.Караулов семантик майдонларнинг мавжудлик, узвийлик, бутунлик, тарихийлик каби тўртта муҳим белгисини кўрсатган<sup>13</sup>. Олимнинг фикрига қўшимча равишда идеографик лугатларни яратища асос вазифасини ўтовчи семантик майдоннинг миллийлиги, макон ва замонга боғликлиги ҳакидаги фикрларни ҳам айтиб ўтиш даркор. Сабаби ўзбек тилида қўлланувчи «узум» (ток) семантик майдони билан бошқа тилларда қўлланувчи шундай майдон ўртасида жиддий фарклар бўлиши мумкин. Масалан, испан, итальян, грузин каби тилларда юқоридаги майдон «вино» семаси билан алоҳида парадигматик қаторни ташкил этади. Ўзбек тилида ҳам бу каби парадигматик қатор бор, лекин бу тиллардаги каби кенг ва фаол эмас. Биздаги семантик майдонда унинг «гемии» семаси билан боғлиқ сўзлар кўпроқ ядро қисмини ташкил этади. Ф.Дорнзайф, Х.Майер ва Х.Касареслар ўзларининг идеографик таснифларида айнан мана шу жиҳатларни ҳисобга олишган.

<sup>11</sup> Морковкин В.В. Идеографические словари. – М.: Изд-во МГУ, 1970. – С. 24.

<sup>12</sup> Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 9.

<sup>13</sup> Бу ҳақда қаранг: Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976. – С. 28-29; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқик этиш: Филол. фан. докт. ... дис. – Тошкент, 2005. – Б. 113-114.

Дунё лексикографиясида идеографик лугатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив, тематик каби турлари мажуд.

Шарқда идеографик йўналишнинг юзага келишида исломнинг муқаддас китоби саналган «Куръони Карим» мухим роль ўйнаган. Гарчи Шарқда том маънодаги идеографик лугат (тезаурус) яратилмаган бўлса-да, VII-IX асрда араб лексикографлари томонидан амалга оширилган оламшумул ишлар бутун Шарқ олами тилшунослигида, хусусан, лугатшунослик соҳасида ўзига хос инкилоб ясаш билан бирга Фарб лексикографиясига ҳам ўз таъсирини ўтказмай колмади. Араб лексикографияси тарихини тадқиқ этиш борасида илмий изланиш олиб борган олим А.Е.Бертельс Маҳмуд Замахшарийнинг лугати ҳамда немис олими Ф.Дорнзайфнинг орадан 8 аср ўтиб тузилган идеографик лугатини киёслар экан, уларда тушунчаларни мавзуйи гурухларга ажратиш услублари ўртасидаги бир хилликларни аниклаган, ушбу икки лугатни фарқловчи жиҳат сифатида «Муқаддимат ул-адаб»нинг икки тилли эканлигини кайд этган эди. Бунга сабаб килиб эса ўрта асрларда Фарб илм-фани ва маданиятининг араб ва форс, яъни Шарқ таъсирида ривож топғанлигини кўрсатган<sup>14</sup>.

Кейинчалик араб тилида туркий тилларга бағишлиланган тематик лугатлар ҳам юзага кела бошлади. Уларнинг ёркин намунаси сифатида XIV асрнинг ноёб ёзма ёдгорлиги «Таржумон туркий ва ажамий ва мӯгулий» асарини кўрсатиш мумкин. Тўрт кисмдан иборат бўлган ушбу асарнинг «Факат исмлар ҳакида» деб номланган биринчи кисмидаги сўзлар тематик тамойил асосида жойлаштирилган. Ушбу кисм 26 фаслдан иборат. Фасллар таркибида 30-40 дан ортиқ сўз (бальзиларида ундан ҳам кўпроқ) бўлиб, айримлари бир неча майда бўлимларни ўз ичига олади<sup>15</sup>. Биринчи фасл «Осмон ва унга тегишли нарсалар исми ҳакида» деб аталади. Қизиги шундаки, «Таржумон»даги аксарият мавзу номларини идеографик лугатларда ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, «Осмон ва унга тегишли нарсалар», «Ер ва ундаги жойлар», «Сув, сув ичидаи нарсалар», «Дараҳтлар, мевалар ва (бошка) ўсимликлар», «Йирткич ҳайвонлар», «Ҳашаротлар ва шунга ўхшаши нарсалар», «Сон ва саноқ сонлар», «Вақт», «Маъданлар» каби мавзу гурухлари Р.Халлиг ва В.Вартбургларнинг «Универсум»ида айнан шундай ёки шунга яқин номлар остида алоҳида семантик майдонларни ташкил килади. Шунингдек, асарда Европа тилларида идеографик лугатлардаги сингари «Инсоннинг ташки ва ички аъзолари ҳакида», «Кишиларнинг сифатлари ҳакида», «Хунар турлари, одамларнинг мартабалари ҳакида», «Кийим-кечак, газмол ва шунга алокадор нарсалар ҳакида», «Кариндошурӯғлар, хўжайин, қул-чўри, таниш-билишлар ҳакида», «Дард-касалликлар, дори-дармон ва ўлим ҳакида» каби кўплаб мавзу гурухлари бевосита инсонга алокадор.

Киёсланаётган бу икки лугатнинг ёлғиз фарқи улардан бирида, яъни

<sup>14</sup> Караг: Бертельс А.Е. О происхождении рубрик тематических (идеографических) словарей. – В кн.: Переводная и учебная лексикография. – М.: Русский язык, 1979. – С. 23.

<sup>15</sup> Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 6.

идеографик лугатда системавийлик мавжуд. Масалан, «Универсум»да «Осимон ва осмон жисмлари», «Ер» микромайдонлари «Борлик» микромайдони камровига, «Сув», «Мазданлар» ва «Минераллар» «Ер» микромайдони камровига киритилган, шунингдек, «Дараҳтлар» ва бошка ўсимлик турлари «Ўсимликлар дунёси» микромайдонидан жой олган ва хокизо.

Маълумки, систем-структур тилшуносликда материаллар тўплангандан сўнг уларни чуқур ўрганиш, тизимга солиш, ўхшаш белгилар асосида муайян гуруҳларга ажратиш каби мақсадларга йўналтирилган дедуктив методдан кенг фойдаланилди. Ушбу метод намуналарини бобурйлар саройида яшаган олим Мухаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» лугатида учратиш мумкин. Шу боис ушбу асар идеографик лугатнинг ёркин намунаси сифатида кўрсатилди<sup>16</sup>. «Келурнома»нинг охирги ўн бешинчи боби тўккиз фаслдан иборат бўлиб, унда муаллиф от, олмош ҳамда ёрдамчи сўзларни маълум тематик гуруҳларга бирлаштирган холда келтиради.

«Келурнома»да сўзлар маълум тадрижийлик ва тартиб асосида берилган. Шунингдек, маълум даражада сўзлар орасидаги лексик-семантик муносабатлар ифодаланган. Масалан: *одам-бош-киприк* сўзлари орасида иерархик, *тана – бош, елка, қўл, оёқ* сўзлари ёки *кўз – нинэк (қорачиг)* сўзлари ўртасида партонимик, *нинэк* ва бэбэнэк сўзлари орасида синонимик, *кўз - қинир (гилай)* сўзлари орасида ассоциатив муносабатлар юзага чиккан. «Келурнома»да ҳам бошка тематик лугатлардаги каби системавийликка, кэтийи иерархик бўлиннишларга амал килинмаган бўлса-да, уни идеографик лугатлар сирасига киритиш мумкин. Асар нафакат ўзбек тили тарихи, балки бугунги кунда истикболли деб тан олинаётган систем-структур тилшунослик учун ҳам ғоятда ахамиятли. Мазкур асарни А.Иброхимова монографик йўсинада талкик килган<sup>17</sup>.

Ўзбек лугатчилигида савдо-сотик, хунармандчилик, дехкончилик ва бошка соҳалар соҳибларига мўлжалланган ҳар хил йўналишлардаги тематик лугатлар мавжуд. Бунга наманганлик олим Исҳоқхон Ибратнинг «Луготи ситта алсина»<sup>18</sup>, мавлоно Мутахтарнинг «Нисоби ихвон», мавлоно Мъаруф Манзурнинг «Нисоб ус-сибён» каби бир катор мавзуй лугатларини мисол килиш мумкин.

Мамлакатимиз мустакилликка эришганидан кейин эса ўзбек лугатчилиги ишибилармонлар, турли замонавий соҳаларнинг вакилларига мўлжалланган тематик лугатлар билан янада бойиди.

Иккинчи боб «Харакат ва ҳолатни ифодаловчи мазмуний майдонлар ва уларнинг идеографик лугатда берилниши» деб номланади. Бобда дастлаб харакат ва ҳолат феълларини идеографик ўрганиш асослари хусусида сўз юритилди. Феъл бошка сўз туркумларига караганда кенг ва мукаммал

<sup>16</sup> Нурмонов А. Ўша манба. – Б. 104-108.

<sup>17</sup> Ибрагимова А. Исследование «Келур-наме» Мухаммеда Якуба Чинги: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1976.

<sup>18</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 169; Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 299; Мадвалиев А. Исҳоқхон Ибратнинг олти тили лугати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. - № 4. – Б. 53-56.

ишилганын. У бүйнча бажарилган ишларни шартлы равища да қуйидаги гурӯхларга бўлиши мумкин: 1) фөзлнинг грамматик хусусиятларига багишланган ишлар<sup>21</sup>; 2) фөзл семантикаси, унинг маъновий гурӯхлари талкун этилган ишлар<sup>22</sup>; 3) фөзлнинг услубий хусусиятларига багишланган ишлар<sup>23</sup>; 4) көбайи пландада бажарилган ишлар<sup>24</sup>; 5) лексикографик аспектда ишлар оширилган ишлар<sup>25</sup>.

Кўринадиги, фөзлга донир таджикотлар тури йўналишларда олиб борилган. Бу дарининг барчаси ўз даври учун катта аҳамиятта эга, лекин уларни идеографик характердаги лугатларда бериш масаласи хали ўз очимини тошмаган. Фөзлларнинг ўта кенг кўламлилиги хисобга олинадиган бўлса, лугатда факт маъноси ёки изохини бериш бутунги кунда камлик келади. Хозирда тиашувос-лексикографлар олдида турган энг долзарб визифалардан бирни фөзлларнинг парадигматик ва синтагматик категорлари, функционал-услубий хусусиятлари хакида мукаммал маълумот бера оладиган лугат яратишдан иборат.

Маълумки, идеографияга донир аксарият манбаларда ономасиологик ёнданшуз асосида бутун олам бир-бiri билан узвий равища боғланган учта йирик тушунчча – «Табиат», «Жамият» ва «Инсон»га бўлинади. Аммо бундай бўлшининг хали бутун оламнинг асосини, яшовчанлигини ташкил килувчи характерист, ҳолат, мисдор ва муносабатта етарлича зътибор каратилмаган. Шунга кўра, семантик шаклнинг янгича талкинида мазкур категорияларни «Табиат-Инсон-Жамият» учбуручагининг ички қисмига жойлаштиришни

<sup>21</sup> Гуломов А. Фөзл. – Тошкент, 1954; Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи фөзллар. – Тошкент: Фан, 1966; Ўша муаллиф. Тўлиқоз фөзл. – Тошкент: Фан, 1970; Ўша муаллиф. Фөзл. – Тошкент: Фан, 1973 ва бошкалар.

<sup>22</sup> Кучкартаев И. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – Ташкент: Учитувчи, 1977; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат фөзллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989; Мусаев Т. Глаголы ощущения в узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992; Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш фөзлларнинг маъно валентликлари: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1996; Мухамедова. Ўзбек тилида йўналма характеристикаларнинг предикативлиги ва валентлиги: Филол. фактури номз... дис. автореф. – Тошкент, 1999; Ўша муаллиф. Ўзбек тилида ҳолат фөзлларнинг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2007; Миртоғиев М. Ўзбек тилидаги фөзл валентликлари. – Тошкент: Университет, 2007 ва бошкалар.

<sup>23</sup> Содикова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фөзл стилистикаси (семантик аспекти): Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 1991.

<sup>24</sup> Цалкаламанишев А. Валентность глаголов в системе семантико-синтаксических свойств (на материале турецкого и узбекского языков): Автореф. дис... докт. филол. наук. – Ленинград, 1988; Сидиков З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2000; Шабанов Ж. Турк ва Ўзбек тилларида фоул ҳолат фөзлларнинг семантикаси: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2003 ва бошкалар.

<sup>25</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тилининг изохли лугатида фөзлларнинг берилини // Ўзбек тили ва адабиёти, 1962. №5 – 27-31-б; Юсупхўжаева Ҳ. Ўзбек тили изохли лугатида фөзлларнинг ишланиши. – Тошкент: Фан, 1988; Мухаммадиев Э. Подача парных и непарных по виду глаголов движения в русско-узбекских словарях: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986 ва бошкалар.

жылдыз түнди. Сабаки жылғы көзөткішкің жағдайында шарт жақташып берілгенде бірнеше тәсілдер деңгелдей.

八九



**Шаҳарига турмиси чандоқ** кейин фельдшерни салбайт. Салбайтнинг 1. Сенси тарбияни турмиси. Сенси тарбияни турмиси бу салбайт ишлабчашат турмиси. 2. Ўртиши жеке тарбияни турмиси. Ой зарбига жарори. Шаманни лекини тарбия. 3. Сенси уйдан чандоқ; Крем чандоқидан чандоқи. Амниятни тарбияни энг баланди жарори чандоқ. Демак, изараси, чандоқ, маконни жарори тарбияни баланд баглини дарсизлантири билди жойга биринчи. Узарни изараси тарбияни чандоқни сифатни талаби этини. Аднографик дунёни түзинни узарни тарбияни фойдаланини жуда жадиди. Шаҳарига ахолининг жадиди тарбияни энг олган фельдшерниң фаналини, тарбия кусусиниң эвалити, яланнори. Узарни салбайтни тарбиянини ўза үсбуваолигини чандоқта олиб диссептуаторни фельдшерниң диге субъектини аднографик талаби. Узарни бучилий дарснини жадидасига энг либоди камиданти.

Бюджетният закон е изложил състоянието на бюджета на държавата. Майкин законът все заслушанията за бюджета. Мисии участват във всички изложби на бюджета на държавата и бюджетите на местните администрации.

www.english-test.net

กับความต้องการของ ชนชั้นกลางที่ ต้องการผล

卷之三

卷之三

第1卷第1期 2013年3月 中国生物医学工程学报

#### 第二章 植物学与生态学

新編增補古今圖書集成

Digitized by srujanika@gmail.com

сингапурские: китайские сузанки, корейские сузанки, французские сузанки, японские сузанки, английские сузанки, сингапурские сузанки из тонкого шелка.

ассоциируют суп, бекон, курица, бассейн, скрипка, пижама, сузульчики, пижамник, пижаминок, шапка, скрежет, мусобанда, ракорд, бирюзичка, голуби, кешью, яйца, селедка и т.д.

Бұнда сүзімдік фольклорнан иносонға наобатан күлгіннен күзде түтшілген. Асар нақылур фсың көне бекінің наобатан оныңса, у жолда макромайдағы сиғастыла трансформация, синонимдары бұнда да жақындық, жарық, кәбік сұзандар тектес айнандағы бұлдар әді. Табиғатта, бұнда ассоциациялар әдем мутлак үзгәрімдер болады. Денсау, сүзімдік фольклорда "жылтух жылтас", "бомбың жынысы".

"кўчиш", "сувда", "ҳаракатланиш" семалари бор. Чўмилмоқ феъли эса сузмоқ ка синоним бўлиб, унда "сувда", "ҳаракатланиш" семалари мавжуд бўлса-да, "бориши" семаси йўқ. Шу боис кема, қайик каби транспорт турларига нисбатан бу сўзни кўллаб бўлмайди. Юкоридаги каби таҳлилни сузмоқ (II) – шоҳи билан сузмоқ; сузмоқ (III) – овқатни сузмоқ; бўйича ҳам ўтказиш мумкин.

Лексикани мана шундай идеографик таҳлил асосида ўрганиш тилнинг лугат таркиби семантик майдонлардан ташкил топган бутун бир тизим эканлигини очиб кўрсатиш ва тафаккурни ўстиришда ёрдам беради. Шунга асосланадиган бўлсак, идеографик лугат тузишида куйидаги тамойилларга таяниб иш кўриш лозим бўлади:

1. Назария ва амалиёт уйғунлиги тамойили. Идеографик лугатда берилаётган материаллар ўзбек тилшунослигига эришилган ютукларга ҳар томонлама мос келиши, хусусан, идеография назариясининг амалиётдаги кўриниши бўлмоғи зарур. Ш.Искандарова таъкидлаганидек: «Лексик сатҳни мазмуний майдон асосида ўрганиш объектив олам тузилишининг инсон онгидаги инъикосини тўғри ифодалашга энг қулай йўлдир. Майдон назарияси идеографик лугатлар тузишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай лугатларни тузиш бугунги ўзбек тилшунослиги учун гоят долзарб масалалардан бири саналади. Бу масалани ҳал қилиш эса, биринчи навбатда, майдон назариясини кенг, чукур ўрганиш билан узвий боғлиқдир»<sup>24</sup>.

2. Илмийлик тамойили. Яратилажак идеографик лугатда кейинги 15-20 йил ичидаги ўзбек тилшунослигига кенг ривожланаётган системавийлик йўналиши ўз аксини топган бўлиши зарур. Э.Бегматовнинг уқтиришича: «Ўзбек тилининг мустакиллик даври ривожи ва унинг лисоний меъёрларини белгилаш тажрибалари шуни кўрсатадики, тилнинг ижтимоий ҳаёти, амалиётига кишиларнинг араласиши, уни онгли равишда бошқариш иши илмий асосланган бўлиши, унинг назарий тамойиллари, коидалари ишлаб чиқилиши, бу масалада ортиқча хиссиётга, сохта тилсеварликка берилмаслик лозим»<sup>25</sup>.

3. Таълимийлик тамойили. Лугатларнинг аксарияти ўкув характеристида бўлади. А.Хожиевнинг таъбирича, «ўкув лугатлари ўқиши-ўқитиши мақсади билан тузилади, талабалар ёки мактаб ўкувчилари учун мўлжалланади. Бундай лугатлар танланган лексик материалнинг ҳажми, танлаш йўли, муайян ўкув дастурини назарда тутиши, ўкувчи китобхонларнинг билим даражасини ҳисобга олиши каби хусусиятлари билан ажralиб туради»<sup>26</sup>.

4. Сакрашдан холилик тамойили. Лугатга кўйиладиган талаблардан яна бири материалларнинг муайян кетма-кетлик, тадрижийлик асосида берилиши ҳисобланади. Бир мазмуний майдондан кейингисига ўтишда «сакраш»

<sup>24</sup>Искандарова Ш.Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1999. – Б. 42-43.


<sup>25</sup>Бегматов Э. Ўзбек адабий тилининг мустакиллик даври ривожига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. №4. – Б. 8.

<sup>26</sup>Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 140.

холати бўлмаслиги керак. Масалан, «Табнат» макромайдонидан кейинги погонада «Ноорганик олам» хамда «Органик олам» микромайдонлари, сўнгра «Органик олам» камровида «Ўсимликлар дунёси» ва «Хайвонот олами» семантик майдонларининг берилиши маъсадга мувофик. «Табнат»дан кейинги погонада бирданига «Ер», «Дарахтлар», «Тупроқ», «Буталар», «Сув» каби тушунчаларнинг тартибсиз берилиши нотўгридири.

5. Умумийлик-хусусийлик тамойили. Лугат тузишда умумийлик-хусусийлик диалектикасига таяниб иш кўриш лозим. Мазкур усулда лексемалар орасидаги синонимик, гиперо-гипонимик, партонимик, градуонимик, ассоциатив каби муносабатлар аникланади, бу тушунчанинг серкирралигини ёритиб беришда ёрдам беради. Лугатдан фойдаланувчилар маълум тушунчанинг кайси гурухга алокадорлигини ва у ўз навбатида кандай тушунчаларни камраб олишини осонгина англаб етади.

6. Изоҳсиз изоҳ чикариш тамойили. Идеографик лугатда берилаётган лексемалар содда ва тушунарли бўлиши талаб этилади. Масалан, лугатдан фойдаланувчи *кулмоқ* феъли остида “хурсандчилик”, “бирор нарсадан шодланиш” семалари борлигини осон англаб етиши зарур. Ушбу лексеманинг ўйин, кулги, яхши хабар, тўй каби лексемалар билан маъновий бирикиши натижасида алоҳида ижобий тушунча майдонини ҳосил килиши (*жылмаймоқ*, *қудирламоқ*, *хандон отмоқ*), иккинчи томондан “ёқмаслик” семаси билан *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ҳирингламоқ*, *тишининг оқини кўрсатмоқ* кўринишидаги семантик каторни ҳосил килишини англаб етиши ва шунинг ёрдамида изоҳсиз изоҳ чиқара билиши керак. Мазкур тушунча майдонини чизмада кўйидагича кўрсатиш мумкин.



7. Изчиллик тамойили. Идеографик лугатда тушунча майдонлари ичida келтирилаётган феъллар бир-бирига аралашиб кетмаслиги, маълум ассоциациялар асосида аниқ бир режа остида бирикиши даркор. Ҳолбуки, кўпмальномалик борасида бирорта сўз туркуми феълга тенг кела олмайди.

8. Алифбо тартибидан чекиниш тамойили. Лугатда тушунчалар алифбо тартиби бўйича эмас, мазмуний майдонлар доирасида берилиши лозим. Бу усул кишиларни тайёр материалдан фойдаланиш билан чекланиб колишига эмас, балки мустакил изланишга, фикр юритишга, изоҳ ва холосалар чикаришга ўргатишда қўл келади. Шу йўл билан бугунги кун кишисида янги

турдаги лугатдан, шунингдек интернет материаларидан фойдаланиш малакасини шакллантириш мумкин.

Юкоридаги талабларга ривој килинган тақдирдагина ўзбек тилида идеографик лугат тузишнинг назарий ҳамда амалий масалаларини тұтры хал килиш мумкин.

Тушунча майдонидан фойдаланиб идеографик лугат тузища харакат ва холат феълларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик хусусиятларини инобатта олиш зарур. Чунки феъллар бу борада ранг-баранг хусусиятларга зета. Мисол тарикасида күпмәньоли күрмөж феълиға мурожаат этиб күрамиз. Ушбу феълда иккى хил үхашшлик (парадигматиклик) белгиси мүжассам: 1) шактый үхашшлик. Ушбу лексеманинг асос кисми - кир учта сүзге шаклан үхшайды. Булар күйидагилар: а) КИР 1. сифат. Нопок, ифлосланган, кирланган. Кир күйлак; б) КИР 2. от. Ифлослик, нопоклик. Пул - құзанке кири; в) КИР 3. от. Ифлосланган ёки ювиладиган кийим-кечак. Кир юемөж<sup>27</sup>; 2) маъновий үхашшлик. Кирмөж, ўрнашимөж жойлашимөж. Ушбу сўзлар маъно жинхатидан бир-бирига яхин турса-да, синтагматик хусусиятларниң кўра ўзаро зилланади. Масалан, ўқишига ёки ишга кирмөж, жойлашимөж ўрнашимөж дейиш мумкин, аммо сілуга жойлашимөж биримасидаги жойлашимөжни кирмөж билан асло алмаштириб бўлмайди. Идеографик лугатда бу каби масалалар, шубҳасиз, ўз ечимини топади. Шунингдек, бундай лугатда партонимик (емоқ-чўқимоқ, кесмоқ-бутамоқ, урмоқ-туртмоқ), гиперо-гипонимик (тиширмоқ-димшамоқ-қоевурмоқ), градуонимик (имшамоқ-юрмоқ – югурмоқ – чоммоқ-гизшамоқ – учмоқ) сингари муносабатлар ифодаланади. Шу тарика идеографик лугатда олам – онг – тил диалектик муносабати акс этади<sup>28</sup>.

Демак, харакат ва холат феълларини семантик майдон нуктаси назаридан ўрганиш ва тавсифлаш оркали нарса-ходисалар ўртасидаги алокадорликларни осон илғаш, уларни бир бутун холатда тасаввур килиш ва бўлакларга ажратиш малакасини тез ўзлаштириб олиш мумкин. Шунга кўра, биз харакат ва холат феълларини идеографик талкин килишда бошкacha йўлдан бордик: уларни тушунча майдонлари ичида изохлашга харакат килиб кўрдик. Масалан, манбаларда биологик жараёнларни ва холатларни ифодаловчи феъллар ҳакида гап бор. Аммо уларни дастлаб иккита катта гурух (1. Ботаник жараён ва холатларни ифодаловчи феъллар; 2. Анатомик жараён ва холатларни ифодаловчи феъллар)га ажратиш, сўнгра яна семантик майдончаларга бўлиб-бўлиб қўйига томон тушиб борилиши ҳакида илмий фаразлар айтилмаган. Мисол учун юкоридаги ҳар иккала гурухга бирдек тегишли бўлган феълларни олайлик. Солиштиринг: 1. *Дараҳтлар текис ўсди*; Укамнинг бўйи бу йил анча ўсди. Ҳар иккала холатда ўсмоқ феъли асосида “бўй” семаси ётибди. Демак, бу каторда жами тирик организмлар (ўсимликлар, инсон ва ҳайвонлар)нинг барчасига бирдек тегишли бўлган харакат ва холат ифодаловчи сўзлар гурухини хам ажратиш мумкин бўлади.

<sup>27</sup> Карап: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 44-47.

<sup>28</sup> Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 49-50.

Умуман олганда, идеографик лугатда «БОРЛИК» тушунчаси таҳлил ва таснифга олинар экан, биринчи галда «Табнат» макромайдони билан боғлик феълларни келтириш максадга мувофик. Сабаби, бошка таснифлардан фарқли ўларок диссертацияда қулай ва осон вариантларни кидириб топишга ҳаракат килдик. Масалан, «Табнат» макромайдонидаги «Ноорганик олам» камровига киругича «Табнат ҳодисалари»<sup>29</sup> мазмуний майдонида кўлланувчи феълларни қўйилдагича бериш мумкин: *бошланмоқ, томчиламоқ, учқунламоқ, ёмоқ, саваламоқ, ҳўймоқ, тезлашмоқ, жадаллашмоқ, секинлашмоқ, тинмоқ, эсмоқ, кўтаришмоқ, узилламоқ*.

«Сув ресурслари» мазмуний майдони «Табнат ҳодисалари» майдони билан бир погонага қўйилади ва бунда феъллар қўйилдагича жойлаштирилади: *оқмоқ, мавжизланмоқ, тўлқинланмоқ; бошланмоқ, чўзилмоқ, турдамоқ, қўйилмоқ; чанқамоқ, ичмоқ, сугормоқ; чўжмоқ, ботмоқ, гарқ бўзмоқ; лойқалатмоқ, тиндиримоқ; шовулланмоқ, шилдирламоқ* ва х.к. Таъкидлаш жоизки, юкоридаги феълларнинг барчаси «сув» семаси остида битта мазмунний майдонга жамланмоқда, аммо «жизга», «ирмоқ», «дарё», «сой» тушунчалари *оқмоқ* лексемаси билан, «кўл», «денгиз», «океан» тушунчалари *турмоқ* лексемаси билан синтагматик алоқага киришиб, алоҳида гурухларни ташкил килади. Биринчи гурух окин сувларни, иккинчи гурух турғун сувларни ўз ичига олади ва шу билан ўзаро фаркландади. Бу нарса катта мазмунний майдонларнинг ўз ичидаги кичикроқ маъновий гурухларга бўлиннишига яккол далилдир.

Систем-структур йўналишнинг асосчиларидан бири Фердинанд де Соссюр: «Тил – бу бир ижтимоий жамоага мансуб бўлган кишиларнинг нуткий амалиёти оркали тўпланган хазина. Тил ҳеч качон алоҳида индивидуал ҳолда тўлиқ мавжуд бўлмайди, у тўла ҳолда факат жамоада мавжуд бўлади», – деб ёзган эди<sup>30</sup>. Бундан шу нарса келиб чиқадики, алоҳида системани ташкил килиш ва ўз ичидаги майдонларнинг бўлиниб кетиши борасида «Жамият» макромайдони етакчилик килади. Шунга мос равишда унда кўлланувчи феъллар хам ифодага бой ва кенг камровли. Бизнингча, «Жамият» макромайдонининг дастлабки бўгинини «Давлат» микромайдони ҳосил килади ва у ўз навбатида қўйилдаги мазмунний майдонларга ажралади.

1. Суверенитет: *тузмоқ, барпо этмоқ, ташкил толмоқ, эълон қилмоқ, таҳдиð салмоқ, чегараланмоқ, фахрланмоқ, ҳимоя қилмоқ, мустақамламоқ, ривожланмоқ, тараққий этмоқ* ва хоказо.

2. Давлат бошкарув органлари: *сайланмоқ, бошқармоқ, идора қилмоқ, юритмоқ, фармон чиқармоқ, қарор қилмоқ, ижро этмоқ, қабул қилмоқ, атборот бермоқ* кабилар;

<sup>29</sup> Д.Ваккосова Ўзининг номзодлик диссертациясида мазкур мазмуний майдонни анемонимлар деб атаган ва уни етарлича очиб берган. Каранг: Ваккосова Д. Ўзбек тилида анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Фаргона, 2005.

<sup>30</sup> Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики // Труды по общему языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 52.

3. Маъмурий-худудий бирликлар: яшамоқ, истиқомат қилмоқ, фахрланмоқ, гуурламоқ, асрамоқ, сақламоқ, ҳимоя қилмоқ, бўлинмоқ, ажрамоқ, кенгаймоқ, тараимоқ кабилар;

4. Ахоли: яшамоқ, истиқомат қилмоқ, иборат бўлмоқ, кўтайдимоқ, озаймоқ, тугашмоқ, ўлмоқ, ўюшимоқ, қўшишмоқ, бирлашмоқ, ҳашар қилмоқ ва ҳоказо;

5. Миллий хавфисизлик ва ҳарбий хизмат органлари: муҳофаза қилмоқ, ушламоқ, қўлга олмоқ, суринтиргмоқ, терғов қилмоқ, қораламоқ, айбламоқ, ҳимоя қилмоқ, оқламоқ, афв этмоқ, озод этмоқ ва ҳоказо.

«Жамият» мазмуний майдони ҳам анча кенг кўламли бўлиб, «Маданият» (санъат, мусика, адабиёт), «Спорт», «Алоқа воситалари», «Фан ва техника», «Транспорт», «Халқ таълими» каби семантик майдонлар ҳам мазкур майдондан ўрин топади.

Дунё тилшунослигидаги идеографик лугатлар муаллифлари энг кенг ўринни «Инсон» семантик майдонига берганлар. Чунки тилда инсон билан боғлик мазмуний майдонлар ниҳоятда кўп. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўзларнинг ҳам энг кўпи инсон тушунчасига алоқадор. Идеографик лугатда уларни кўйидагича гурухлаш мумкин:

«Инсон – биологик организм:

1. Ташки кўриниш билан боғлик мазмуний майдонда ишлатилувчи феъллар: семирмоқ, тўлишимоқ, гўзаллашмоқ, озмоқ, ориқламоқ, хунуклашмоқ ва ҳоказо.

2. Тана ҳаракати билан боғлик мазмуний майдонда кўлланувчи феъллар: айланмоқ, эгилмоқ, қимирламоқ, ётмоқ, аганамоқ, юмаламоқ, ёнбошламоқ, ишқилмоқ, тоймоқ каби.

3. Ички аъзолар билан боғлик мазмуний майдонга оид феъллар: оғримоқ, ҳазм қилмоқ, дукилламоқ, лўқилламоқ, санчмоқ, чўзилмоқ, гўлдирамоқ, кекирмоқ каби.

4. Ҳаёт боскичлари билан боғлик мазмуний майдонга оид феъллар: тугилмоқ, ўсмоқ, улгаймоқ, вояга етмоқ, улгаймоқ, кексаймоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ, қазо қилмоқ ва ҳоказо».

Инсон тафаккури ва руҳий олами билан боғлик тушунча майдонлари «Инсон – онгли мавжудот» деб номланган микромайдондан жой олади.

«Инсон» макромайдонининг учинчи семантик майдони «Инсон – жамият аъзоси» деб номланиб, унга «Инсоннинг ижтимоий ҳолати», «Оила», «Қавм-қариндошлиқ», «Тураг жой», «Уй жиҳозлари», «Идиш-товою», «Кийим-кечак» каби мазмуний майдонларда кўлланувчи феъллар киритилади. Чунки инсон айнан жамоа ичиди, жамиятнинг бир бўлаги сифатида мазкур тушунчалар билан бевосита боғлик.

Умуман олганда, мазмуний майдонлар қанчалик кенг ва сертармоқ бўлса, уларда кўлланувчи феъллар ҳам шу қадар ранг-баранг бўлади. Шундай килиб, идеографик лугатда камида 2,5 мингдан 3 мингтагача бўлган феъл лексемани турли тушунча майдонлари қамровида бериш мумкин. Тан олиш керакки, бу хисоб нисбий. Чунки бир феълнинг ўзи турли маънолари билан ҳар хил майдонларда учрайди. Масалан бузилмоқ феъли “айнимоқ”, “ейишга

яроқсиз ҳозга келмоқ" семалари билан «Озик-овкат» мазмуний майдонига алокадор бўлса, "ишдан чиқмоқ", "татьмирталаб бўлмоқ" маънолари билан «Техника» мазмуний майдонида ҳам кўлланади. Бу нарса феълнинг кўпмаънолилик хусусида нихоятда ранг-баранг эканлигини кўрсатишида кўл келади. Бундан ташкири, «феълнинг даражаси формаси ўзгариши билан харакатнинг субъект ва обьектга бўлган муносабати ҳам ўзгаради»<sup>31</sup>. Табиийки, бунда сўз (лексема) таркибида янги семемалар – маъно бўлакчалари ҳам юзага келади. Масалан, кўтармоқ феълнинг аниқ даражаси (нисбат) шакли «Инсон» микромайдонининг «Жисмоний фаолият» майдонига алокадор бўлса, унинг мажхул даражаси шакли – кўтарашмоқ «Транспорт» микромайдонининг ҳаводаги катнов билан боғлик мазмуний гурухидан жой олади. Шунингдек, харакат ва ҳолатни ифодаловчи сўзларни семантик майдонларга киритишида ҳар бир феълнинг синоними, антоними, градуоними кабилар ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Шундагина бугунги эҳтиёж ва талабларимизга жавоб бера оладиган луғат юзага келади.

Ишнинг учинчи боби «Феъл тизимиға оид семантик муносабатларнинг идеографик луғатда талқин қилиниши» деб номланади. Бунда феълларо маънодошлиқ, жинс-тур, бутун-бўлак, даражаланиш каби муносабатлар хусусида сўз юритилади.

«Тилнинг баркарорлиги, яшовчанилиги, ундаги элементларнинг оид ёки кўплигига, сифатига эмас, балки элементлар ўртасидаги муносабатларнинг кай даражада ташкил топишига, шаклланишига боғлик. Бу муносабатлар канчалик ранг-баранг, мукаммал ва баркарор бўлса, тил ҳам шунчалик бой, ифода имкониятлари кенг, кўлами катта бўлади», – деб ёзади олим А.Собиров<sup>32</sup>. Дарҳакикат, тилнинг бутун моҳиятини уни ташкил қилувчи элементлар ўртасидаги муносабатлар ташкил этади.

Феъллардаги энг кўп учрайдиган муносабат – бу маънодошлиқ. Ушбу ходиса ўзбек тилшунослигига кенг ишланган, аммо унга майдон нуктаи назаридан ёндашилмаган.

Харакат ва ҳолат феълларининг аксарияти «Инсон» мазмуний майдонига тегишли эканлигини юкорида таъкидлаган эдик. Ш.Искандарованинг эътироф этишича: «Шахс микромайдони элементлари бошка лексик бирликлардан «шахс» умумий семаси билан ажратилади, унда шахсни номлаш билан бир каторда, эгаларининг хатти-харакатлари, феълатвори хусусида ҳам маълумот олинади. Шахс номлари инсонни турли белгилар эгаси сифатида кўрсатади. Бунда катта гурух кичик гурухларга, кичик гурух ўз навбатида янада кичикроқ гурухларга ва кичикроқ гурух охирги лексик каторларгача бўлинади»<sup>33</sup>.

Инсоннинг нечта асосий тана аъзоси бўлса, уларнинг ҳар бирига тегишли харакат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар мавжуд. Уларга бир

<sup>31</sup> Ҳожиев А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 91.

<sup>32</sup> Собиров А. Ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганиш. – Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2005. Б. 187.

<sup>33</sup> Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 105-107.

томонлама баҳо бериш мушкул. Масалан, кўз ҳаракати билан боғлик феълларни олиб кўрайлик. Уларга кўрмоқ, боқмоқ, разм солмоқ, кўзи тушмоқ, назар ташламоқ, нигоҳ ташламоқ, алангламоқ, тикилмоқ, бақраймоқ, гўлаймоқ, олаймоқ каби феъллар киради<sup>34</sup>. Буларнинг барчаси бир-бирига маънодош, улар "кўрув" архисемаси орқали бир ерга тўпланган. А.Хожиевнинг синонимларга багишланган лугатида ушбу маънодошликининг факат иккита қатори берилган:

1. Қарамоқ, бокмоқ. Бирор нарса ёки томонга кўз ташламоқ, назар ташламоқ.

2. Термилмоқ, тикилмоқ, тўнмоқ. Кўз олмаслик, кўз узмаслик. Термилмоқ сўзида умидворлик, ҳавас билан караб туриш оттенкалари бор<sup>35</sup>.

Ҳолбуки, мазкур парадигманинг хусусиятлари бу билан тугамайди. З.Сиддиков қарамоқ нинг 29 та, боқмоқ нинг 15 та, кўрмоқ нинг ҳам 29 та маъносини тадқик қилган. Юқоридаги парадигмага мўраламоқ, кузатмоқ, кўз югуртилмоқ, кўзи тушмоқ каби бирликларни ҳам кўшган<sup>36</sup>. Ушбу парадигма ўзбек тилидаги энг фаол парадигмалардан бири саналганлиги сабабли идеографик лугат яратишида унинг барча нозикликларини хисобга олиш керак.

Инсон шахсига алоқадор феълларнинг кўпи тафаккур, нутқ, ҳаракат руҳий ҳолат билан боғлик. Масалан, тафаккур, яъни ақлий фаолият билан боғлик феълларни қуидаги семантик гурухларга ажратиш мумкин: а) "ўй" семаси билан битта уяга бирлашувчи феъллар: ўйламоқ, фикр юритмоқ, мулоҳаза қилмоқ, мулоҳаза юритмоқ, фикрламоқ. Бунда тафаккур феъллари билан боғлик иш-ҳаракатнинг экспресс, яъни бошлангич нуктаси эътиборга олинмоқда; б) "аңглаш" семаси билан бир-бирига маъно жиҳатидан яқинлашадиган феъллар: аңгламоқ, уқмоқ, фаҳмламоқ, тушунмоқ, англаб етмоқ, тушуниб етмоқ. Ушбу феълларда бошқаларнинг фикри билан боғлик ҳолат ҳам мавжуд; в) "эсга олиш", "хотирлаш" семалари билан боғлик феъллар: эсламоқ, эсга олмоқ, ёдга солмоқ, хотирламоқ, эсга туширмоқ. Бундай феъллар ўтиб кетган нарса-ҳодиса, иш-ҳаракатни қайтадан тиклаш, хаёлга келтириш маъноларига эга. Буни шахснинг умр босқичлари, гавда тузилиши, тана аъзолари хатти-ҳаракати, нарсаларга таъсир кўрсатиши, ўзгартириши ва хоказолар билан боғлик феълларнинг маънодошлигига ҳам якъол кўриш мумкин.

Жинс-тур (гипонимия) масаласи ўзбек тилшунослигига илк бор Э.Бегматов, Ҳ.Нематов ва Р.Расуловлар томонидан кўтарилиган бўлса, уни Р.Сафарова номзодлик иши даражасига олиб чиқди<sup>37</sup>. Демак, лексемалар

<sup>34</sup> Каранг: Мусаев Т. Глаголы ощущения в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – С. 4-5.

<sup>35</sup> Хожиев А. Узбек тили синонимларининг изохли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 191-249.

<sup>36</sup> Каранг: Сиддиков З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000.

<sup>37</sup> Бегматов Э., Нематов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқик методикаси // Узбек тили ва адабиёти, 1989. - №6. – Б. 35-40; Нематов Ҳ., Расулов Р. Узбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990.

ўртасидаги гипонимик муносабатларнинг назарий ҳамда амалий асослари бўйича ўзбек тилшунослигида етарлича ишлар амалга оширилган, лекин феъл лексемалар орасидаги жинс-тур муносабатини идеографик лугатда бериш масаласи ушбу диссертацияда илк бор ёритилмоқда. Ҳолбуки, бундай муносабатларни феъл сўз туркумида истаганча учратиш мумкин. Масалан, ўлдиromoқ феълини олиб кўрайлик. Ўлдиromoқ - ўлмоқ феълининг ортирима нисбат шакли. Ўлмоқ феъли эса изохли лугатда қуидагича таърифланган:

«ЎЛМОҚ 1 Ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ, қазо қилмоқ. 2 Йўқ бўлмок, бархам топмок. 3 Бирор сифати, хусусияти ва ш. к. ни йўқотмоқ; яроқсиз ҳолга келмоқ. 4 Бирор ҳаракат-холат таъсирида жуда ночор, оғир аҳволда қолганликни билдиради. 5. кўм. фл. өзф. Етакчи феъл билдирган ҳаракатни кучайтириб ифодалайди, ортиқ даражасини қайд этади»<sup>38</sup>.

Кўриниб турибдики, «Ўзбек тилининг изохли лугати»да ўлдиromoқ лексемасининг гипонимлари: *отмоқ*, *осмоқ*, *бўғмоқ*, *ничоқламоқ*, *чўктирмоқ* ва хоказолар алифбо тамойили талабига кўра алоҳида-алоҳида бандларда берилган. Эътибор берилса, *бўғмоқ*, *отмоқ*, *осмоқ*, *чўктирмоқ* лексемаларининг ҳар бири учун умумий бўлган, уларни бирлаштириб турган ягона маъно бор – ўлдиromoқ. Айнан мана шу нарса ушбу лексеманинг бошқаларига нисбатан устунлигини, устуворлигини таъминлайди. Бу эса гипероним ҳакидаги таърифга тўғри келади. Гипероним жинс белгисини билдирган предметнинг номини ифодаловчи кўпгина маъноларни семантик жихатдан умумлаштирувчи микротизимнинг маркази, доминантаси сифатида намоён бўлувчи луғавий бирликдир. Гипоним эса маълум жинс турларининг номларини ифодаловчи ҳамда ўзининг семантик таркибида имплицит тарзда жинс маъносини ифодаловчи таркибда сўзни бириктириб келган, семантик жихатдан гиперонимга бой бўлган луғавий бирлик<sup>39</sup>.

Шунга кўра, *ҳўпламоқ*, *ҳўриллатмоқ*, *симирмоқ* (чойни *ҳўпламоқ*, шўрвани *ҳўриллатмоқ*, шарбатни *симирмоқ*) сўзлари ичмоқ гиперонимининг; *яламоқ*, *ошамоқ*, *кавшамоқ*, *кемирмоқ*, *шиммоқ* (қаймоқни *яламоқ*, ошни *ошамоқ*, нонни *кавшамоқ*, сукни *кемирмоқ*, қурутни *шиммоқ*) эса емоқ гиперонимининг гипонимлари саналади.

Ҳар бир тилда мавжуд бўлгани каби ўзбек тилида ҳам бутун-бўлак муносабатини ифодалашга хосланган лексемалар парадигмаси мавжуд<sup>40</sup>. Мисол учун *ушатмоқ* ва *синдирмоқ* феълларини олиб кўрайлик.

«УШАТМОҚ 1. Бўлак-бўлак қилиб синдирмоқ, майда бўлакларга бўлмок, ажратмок, синдирмоқ. Кудрат... нонларни ушатди, чой қўйди»<sup>41</sup>.

<sup>38</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати. Бешинчи жилд. (Шукрон-Х) – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.151.

<sup>39</sup> Сафарова Р. Лексик-семантик муносабат турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 12.

<sup>40</sup> Каранг: Киличев Б. Ўзбек тилида партонимия: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1997.

<sup>41</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати. Тўртинчи жилд. (Тартибот-Шукр) – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 311.

«СИНДИРМОҚ Синмок фл. орт. н. Тош отиб ойнани синдирмоқ. Йиқилиб, оёгени синдириб олмоқ.

СИНМОҚ 1 Парчаланмок, майдаланмок, бўлакларга ажралмоқ, узилмок. 2 Зарб еб шикастланмок, парчаланмок (гавда суяклари хакида)»<sup>42</sup>.

Кўриб турганимиздек, «Ўзбек тилининг изохли лугати» да берилган таърифлар бўйича *ушатмоқ* ва *синдирмоқ* феъллари орасидаги партонимик муносабат яккол кўзга ташланмаса-да, унда келтирилган мисоллардан буни фарқлаб олиш кийин эмас. Масалан, қалам, ручка, стол ёки стулнинг оёги кабилар синдирилиши мумкин, аммо ушатилмайди. Нон эса (синдирилиши билан бирга) ушатилади.

Бутун-бўлак муносабатини идеографик лугатга киритиш тилшуносликнинг янги йўналишларини очишда жиддий ютуклар олиб келиши мумкин. Бу нарсаларни тақкослаш, солишириш, улардан керакли хуносалар чиқариш имконини беради. Буни ҳижжаламоқ - ўқимоқ, сугурмоқ - қўпормоқ, майдаламоқ - янчмоқ - толқон қилмоқ, намламоқ - хўлламоқ каби феъллар ўртасидаги муносабатларда кўришимиз мумкин.

Феъллардаги бутун-бўлак муносабатида от, сифатларга нисбатан бошқачароқ ҳолат кузатилади. Уларда ҳамиша ҳолат қайсиdir бир объектига нисбатан олинади ва «майдаламоқ» ка кўра «янчмоқ», «янчмоқ» қа нисбатан «толқон қилмоқ» бутуннинг кисмга ажралиши саналади.

Иккинчи бир томондан бутун-бўлак муносабатида лексик даражаланиш ҳам кўзга ташланади. Бу битта масалага икки хил нуқтаи назардан қараш демакдир. Лугавий даражаланиш (градуонимия) ҳодисасига ўзбек тилшунослигида Э.Бегматов, Х.Нематов, Р.Расулов, О.Бозоров, Ш.Орифжоновалар ўз муносабатларини билдиришган<sup>43</sup>.

Лугавий даражаланиш ҳодисаси феъл сўз туркумida ҳам кўп учрайди. Масалан, ёғмоқ харакатини олиб кўрайлик. Ушбу сўз остида харакат ётганлиги боис унинг даражаси турлича бўлади. Сабаби ёгиннинг микдори, кўлами ҳамиша бир хил бўлмайди. Табиат конунларига кўра у оз ёки кўп бўлиши мумкин. Шунга кўра, объектив оламдаги ҳолат тилга ҳам айнан кўчирилади: ўз-ўзидан иш-харакатнинг даражаси келиб чиқади. Солиширинг: *томчиламоқ* – ёғмоқ – қуймоқ – *шаррос қуймоқ*.

Бунда иш-харакатнинг меъёри оздан кўпга томон ортиб бормокда. Бундай муносабатлар идеографик лугатда ўз ифодасини топиши керак. Умуман олганда, лугавий даражаланиш феъл сўз туркумининг доимий ҳамроҳи саналади ва бу каби феъллараро семантик муносабатларни идеографик типдаги лугатда акс эттириш, шубҳасиз, ўз самарасини беради.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилида систем лексикология соҳасида олиб борилган илмий тадқикот ишлари янги турдаги лугат –идеографик лугат тузиш учун кенг йўл очиб берди.

<sup>42</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати. Учинчи жилд. (Н-Тартибли) – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриети, 2008. – Б. 510; 512.

<sup>43</sup> Бегматов Э., Нематов Х., Расулов Р. Ўша манба; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1996; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. Тошкент, 1997.

3. Иерархияниң түрлөрі Үзбек жаңаркада Үзбек хос тарихиейт  
чынның нәдір толық тарихиейттегі идеографик дүгеттегін тезжүргес.  
Анындағы көмкөйдөр түрлөрін көбін күримнендері мәжүл.

4. Иерархияниң түрлөрінде көрсеткіштегі семантикалық майдондар ассоциативнің үшінде. Анындағы тарихиейттегі дүгетте алоқыла олинған мұстаки  
не анын қолданылғанда да оның барлық тариф бериледи, мәдений тәсілдер  
және оның идеографик дүгетте нәдір сөз мәдени семантикалық майдонға  
адамдардың мәдени мәндердің шарттарынан.

5. Иерархияниң түрлөрі сөз орталық әфдапланасынан түшүнчелер  
жүйесінде және жаңаркада да оның мәдени алоқалары ассоциативні  
жүйесінде. Тәсілдердегі күримнендері билдиң бергаликке даис  
жүйесінде.

6. Идеографик дүгет Әдемінде тайёр нарасын фойдаланышига зәна  
жүйесінде көмкөйдөр мәнстиктиң фикт көртишінде жаңаркада түшүнчелердегі  
жүйесінде күримнендерінде алоқыла оның барлық стишка үргазаш мұмкін. Сүздердегі  
жеке-жеке түрлер күримнендері берилешінде таң үргазадынан үзге мәдени  
жүйесіндегі таң сөзбеликтердегі дүйнөсаралық. Үша мәдениеттегі түрмуш тәрки  
жүйесінде, мәдениеттегі жаңаркада Үзбек хос хусусиятлары билди  
жүйесінде ишкелдін берады.

7. Анындағы тарихиейттегі дүгеттегі үзиміз билған, зерттеган, үкитган сөз  
жүйесінде көмкөйдөр оларға идеографик дүгеттегі дәл шу сөз билдиң бергалик  
жүйесіндегі алоқалар барча лексик бирликтелерінде хотирамызды тиесінде.  
Үзбек дүгеттегі фойдаланыши жаңаркада үзін учун яғын булған сөз за  
түшүнчелердің кирил, үргазиб, үзлиштириб бораверади. Шу тәрки  
жүйесіндегі күримнендерінде оларға фалсафий түркестің изарәтінен көрай боштайтын.  
8. Нәдір олар мәдени мәндердегі тәсілдердегі олар көйтіп бер системалық  
жүйесінде ишкелдін берады.

9. Идеографик дүгеттегі ОЛАМ-ОНГ-ТИЛ диалектик мұносабетті ассо  
цияттегі алоқалар. Биңдей дүгеттегі түзилиш күйидегиларға алоқыла диккет  
тәсіл деңгээс. а) идеографик дүгеттегі түзилиш системалық  
жүйесіндегі көмкөйдөр чындағы диккет көлини; б) жаңа бир лексикалық  
жүйесіндегі диккет үргазиб мәдени мұносабеттерінде ойдандастырылады; в)  
идеографик дүгеттегі синаксиологиялық тәсіл үсуударында амал көлини.  
Жаңаркада түшүнчелер (жеке) де көмкөйдөр чында, хусусий түшүнчелер (музей  
жеке жаңаркада лексикалық) жеке көлини; г) бутундан бүлекка, умумийдиктегі  
түшүнчелердің түзилишінде көмкөйдөр жеке көлини. Идеографик дүгеттегі түзилиш шу методта  
жеке көлини; д) идеографик дүгеттегі түзилиш учун, энд авало. Үзбек түзилиштегі  
жеке көмкөйдөр жеке көлини жеке көлини за уларда ишлатылуда  
жеке көмкөйдөр жеке көлини сүйлеменин күлемнен белгилаш зарур.

10. Жеке көлини түшүнчес-лексикографиялық оларда түрган зәг долзарб  
жеке көлини бары фольклорнинг параллелитик жаңаркада синтагматик жеке көлини.  
Фольклорнинг жеке көлини түсінгенде көмкөйдөр жеке көлини мәдени мұносабеттерінде  
жеке көлини көлини изборы. Фольклорнада персонажник, темпоралник,  
жеке көлини, шарт, түсисиологиялық жеке көлини түшүнчелердегі факт  
идеографик дүгеттегі бригадитегі избага чындаш мұмкін.

11. Идеографик дүгеттегі системалық бирнечи жеке көлини турар жеке,

бунинг асосида оламнинг яхлит бир бутунлик, бутунликинг кисмларга ажратилиши ва кисмларнинг бир-бирлари билан ўзаро доимий алокада бўлиб туриши ҳакидаги гоя ётиши даркор. Шу маънода оламни, даставвал «Табнат», «Жамият», «Инсон» деб номланган учта йирик тушунча майдонига ажратиш лозим ва ўзбек тили захирасидаги кенг истеъмолда бўлган феълларни ана шу мазмуний майдонлар камровидаги микросистемалар ичизда тавсифлаш мақсадга мувофик.

10. Муайян микросистемалар бўйича алохида лугатларни тузиш тамойилларини ишлаб чикиш ва уларда тўпланган материаллар ёрдамида келажакда ўзбек тилининг умумий идеографик лугатини яратиш мумкин.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳамраева Ё. Идеографик лугат – тил бойлигининг хазинаси // Насаф зиёси. – Қарши, 2005. – № 4-5. – Б. 20-22.
2. Ҳамраева Ё. Идеографик лугат – тилнинг фалсафий сурати // Филология масалалари. – Тошкент, 2007. – №1. – Б. 49-51.
3. Ҳамраева Ё. Лексик сатҳни идеографик усулда ўрганиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2007. – №3. – Б. 4-7.
4. Ҳамраева Ё. Идеографик лугат – давр талаби // Бухоро давлат университети ИЛМИЙ АҲБОРОТИ. – Бухоро, 2007. – № 4. – Б. 47-53.
5. Ҳамраева Ё. Феъллардаги бутун-бўлак ва даражаланиш муносабатига доир / Т.Нафасов таваллудининг 70 йиллигига бағишлиланган «Ўзбек тилшунослиги XXI асрда» деб номланган илмий-назарий анжуман материаллари. Қарши, 2008. – Б. 187-189.
6. Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг идеографик лугати таълимнинг замонавий воситаси сифатида / Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ қошидаги ОПИ “Педагогик технологиялар – педагогик жараённи бошқариш омили” илмий-услубий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 144-146.
7. Ҳамраева Ё. Она тили узлуксиз таълимида идеографик лугатнинг аҳамияти / «Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари» Ўзбек тили доимий анжумани X йигини материаллари. – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2009. – Б. 154-155.
8. Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг минимал идеографик лугатини тузишга доир мулоҳазалар // ЎзР ВМ Тошкент ислом университетининг ИЛМИЙ-ТАҲДИЛИЙ АҲБОРОТИ. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 51-54.
9. Ҳамраева Ё. «Келурнома» лугатининг идеографик хусусияти / Қарши давлат университети профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий конференцияси материаллари. 2-жилд. – Қарши: «Насаф» нашриёти, 2009. – Б. 27-30.
10. Ҳамраева Ё. Феъллараро семантик муносабатларнинг идеографик аспектда ўрганилиши // Қарши давлат университети АҲБОРОТНОМАСИ. – Қарши, 2009. – №1. – Б. 80-84.
11. Ҳамраева Ё. К вопросу о создании идеографического словаря узбекского языка // Материалы Республиканской научно-практической конференции «Язык всем знаниям и всей природе ключ», посвященной «Году гармонично развитого поколения». – Нукус, 2010. – С. 204-207.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ҳамраева  
Ёркинай Набижановнанинг 10.02.01 – ўзбек тили ихтисослиги бўйича  
**«Ўзбек тилининг идеографик лугатини тузиш тамойиллари (харакат ва  
холат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида)»** мавзусидаги  
диссертациясининг  
**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** идеография, тезаурус, идеографик лугат, умумийлик, хусусийлик, компонент таҳлил, мазмуний майдон, макромайдон, микромайдон, семантик муносабат, синонимия, антонимия, градуонимия, партонимия, иерархия.

**Тадқиқот объектлари:** идеографик лугат, ўзбек тилидаги феъл лексемалар.

**Ишнинг мақсади:** жаҳон лексикографияси ютуқларига таянган ҳолда харакат ва холат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида идеографик лугат тузишнинг назарий асослари ва тамойилларини ишлаб чикиш.

**Тадқиқот методлари:** системавий таҳлил, тавсифий таҳлил, компонент таҳлил.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ўзбек тилида биринчи марта идеографик лугат яратиш тамойиллари ишлаб чикилди. Сўзларни лугатда тартиблашда одатдаги алифбо тамойилида эмас, мазмуний тамойилларга кўра беришнинг афзаллиги асослаб берилди. Идеографик лугат тузувчилари олдига қўйиладиган бир қатор талаблар баён қилинди. Ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзларни мазмуний майдонлар ичida беришда феъллараро семантик муносабатлар муҳим аҳамият касб этиши мисоллар асосида ёритилди.

**Амалий аҳамияти:** диссертациядан ўзбек тилида бугунги кун талабига жавоб бера оладиган идеографик лугат тузишда, шунингдек ўзбек тили лексик сатхини идеографик аспектда тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертация натижаларидан олий ўкув юргулари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсидан дарслик ва қўлланмалар тузишда фойдаланилмоқда. Тадқиқот натижалари замонавий дарслик ва қўлланмалар ҳамда лугатлар яратишда самара беради.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** лексикология, лексикография, семасиологияга оид тадқиқотлар, филология йўналишидаги мутахассислик фанлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Хамраевой Ёркиной Набижановны на тему: «Принципы составления идеографического словаря узбекского языка (на примере слов со значением действия и состояния)» на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.01 – узбекский язык

**Ключевые слова:** идеография, тезаурус, идеографический словарь, общее, частное, компонентный анализ, семантическое поле, макрополе, микрополе, семантические отношения, синонимия, антонимия, градуонимия, партонимия, иерархия.

**Объекты исследования:** идеографический словарь, глагольные лексемы узбекского языка.

**Цель работы:** на основе достижений мировой лексикографии разработать теоретические основы и принципы составления идеографического словаря на примере слов со значением действия и состояния.

**Методы исследования:** системное исследование, метод оппозиции, методы компонентного анализа.

**Полученные результаты и их новизна:** впервые в узбекском языке разработаны принципы составления идеографического словаря. Обоснованы лучшие стороны смыслового расположения слов, чем алфавитного при упорядочивании слов в словаре. Изложены требования, предлагаемые к составителям идеографического словаря. Доказано, что при описании слов со значением действия и состояния имеют большое значение межглагольные семантические отношения.

**Практическая значимость:** результаты исследования можно использовать при составлении идеографического словаря, отвечающего требованиям сегодняшнего дня, а также при исследовании лексического яруса узбекского языка в идеографическом аспекте.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования применяются при создании учебника и пособия по курсу «Современный узбекский литературный язык» для высших учебных заведений. Применение результатов исследования при создании современных учебников, пособий и словарей, даст значительный эффект.

**Область применения:** исследования в области лексикологии, лексикографии, семасиологии, специальные дисциплины филологического направления.

## **RESUME**

Thesis of Khamraeva Yorkinoy Nabijanovna on the scientific degree competition of the Candidate of Philology Science on specialty 10.02.01 – “Uzbek Language”, subject “**The principles of making the ideographical dictionary of the Uzbek language (on the example of words with the value of action and condition)**”

**Key words:** ideography, the thesaurus, the ideographical dictionary, general, private, the component analysis, a semantic field, a macro field, a micro field, semantic attitudes, synonym, antonym, graduonym, partonym, hierarchy.

**Subjects of the inquiry:** ideographical dictionary, verbal lexemes of the Uzbek language.

**Aim of the inquiry:** to work out the theoretical bases and principles of drawing up the educational ideographical dictionary on the basis of the achievements of the world lexicography on the example of words with the value of action and condition.

**Methods of the inquiry:** systematical investigation, carried out through contradictions, methods of the component analysis.

**The results achieved and their novelty:** the principles of drawing up the educational ideographical dictionary have been worked out for the first time in the Uzbek lexicography. The best sides of semantic arrangement of the words other than alphabetic ones at ordering words in the dictionary have been proved. The requirements proposed by the lexicographers are given. It has been proved by means of convincing facts that inter-verb semantic relations during describing words with the value of action and condition are of great importance.

**Practical value:** the results of the research can be used for making the ideographical dictionary meeting today's requirements as well as during the study of the lexical layer of the Uzbek language in the ideographical aspect.

**Degree of embed and economical effectively:** the results of the research may be used in writing the manual of special literature and text-book for special course “Modern Uzbek Literary Language” at the higher educational institutions. It gives economical advantages for writing the modern text-books, appliances and dictionaries.

**Sphere of usage:** in the field of lexicology, lexicography, semasiology and special disciplines of the philological trend.

